



ГАЗЕТА
1913 ЙИЛ
21 ИЮНДА
ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 92 (20. 359)

1989 йил 19 апрель, чоршанба

Баҳоси 3 тийин.

МУҲИМ ВАЗИФА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетидида «Экология-89» ширини остида республикада кенг миқёсдаги тадбирларни амалга ошириш учун тузилган гуруҳлар раҳбарларининг кенгаши бўлиб ўтди. У республикадаги экология вазияти ҳолатининг тулини ва ҳақиқий манзарасини аниқлаб бериш, табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва соғломлаштириш, одамларнинг нормал турмуш шартларини таъминлаш юзасидан энг муҳим чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш лозим.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг гуруҳлари Қорақалпоғистон АССРда, барча областларда, Тошкент шаҳрида тузилган. Уларнинг таркибидида табиий муҳофаза қилиш таъкилотларининг мутахассислари, ҳалқ депутатлари, жамоатчилик намоёндалари бор.

Республика ҳукумати уларга жуда кенг ҳуқуқ ва ваколатлар берган.

Кенгаши Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари, депутатлик гуруҳларининг раҳбари В. П. Анишев бошқарди.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Ш. З. Камолхўжаев иштирок этди.

(ЎЗТАГ).

ХАЛҚ МУНОСИБ НОМЗОДЛАРНИ КЎРСАТМОҚДА

Республикада ўрта сайлов округидан СССР халқ депутатлиги номзодлар кўрсатиш низоҳисига етди. Ана шу округларда 14 май куни қайта сайлов ўтказилди.

Сайловолди йилгили кенг демократиялаш ва ошқоралик, меҳнатчиларнинг граждандлик фаолияти ошган вазиятда ўтди. Истиқомат жойларида бўлиб ўтган йилги сайлов кампаниясида коллективлари, жамоат ташкилотлари ва граждандлар 82 кишининг номзодини кўрсатди.

15-16 апрель кунлари сайлов округларида сайловолди йилгилилар бўлиб ўтди. Округ сайлов комиссиялари жамаи еттига миқдорда сайлов кампаниясида ўрта сайлов округидан СССР халқ депутатлиги 19 номзодни рўйхатга олди. 108-Навоий миллий-территориал округидан, 110-Самарқанд миллий-территориал округидан, 112-Термиз миллий-территориал округидан, 117-Тошкент — Октябр миллий-территориал округидан учтадан номзод рўйхатга олди. Улар орасида ишчилар 31,5 процентини, колхозчилар 15,7 процентини, партиячилар 26,3 процентини ташкил этади.

(ЎЗТАГ).


САЛМОҚЛИ ҲИССА

● **ОЛТИНАРЧ.** Район чорвадорлари давлатга сўт сотиш юзасидан белгиланган биринчи кварталларининг муқаддас илгари бажаришга эришган эдилар. Қабул пунктларига пландаги 1582 тонна ўрнига 1600 тоннадан зиёд сўт топширилди. Ҳар бон соғин ситирдан ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўртача 95 килограммдан ошириб сўт соғиб олинди. Сўт сотиш эса 110 тоннага ортиди.

Муваффақиятга райондаги М. Горький номида, «Комсомо» колхозлари, «Пахтакор» совхоз чорвадорлари салмоқли ҳисса қўшдилар.

Т. УМАРОВ.

РЕСПУБЛИКА ДАЛАЛАРИДА



Тошкент область Чиноз районидида «Чиноз» наслчилик совхоз-техникуми 2-бўлимидаги Холдор Боймўбетов бош. лиқ бригада далаида нейинги йилларда оралиқ экинлар етиштириш эили йўлга қўйилди. Бригаданинг 30 гектар майдонда озуқа учун раис экилди. Шу кунларда раис ўрмиш пойига етай деб қолди. Унда бушлаган ерлар озуқа учун маккажўхори экишга тайёарлабейтир.

Суратда: илгор механизатор, коммунист Шавкат Риш. итдинов ва раис ўрмиш акс этирилган.

У. ҚУШОВОВ фотолари.

ДАСТЛАВКИ ИШЛОВ

● Гузар районидида «Рассвет» совхозининг Саид Суярв бошлиқ маккажўхорилик бригадаси эъзолари бу йил мавжуд 40 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 250 центнердан силосбоп кўкпос етиштиришга аҳд қилинган. Улар бундан бир неча кун илгари мавжуд майдонга сифатли қишқик барака уруғи қадешган эди. Ҳозир далаалардаги маккажўхори қий-гос унинг чинди.

Кунин кенч моҳир механизатор Ж. Очиллов экинга дастлабки ишловни бошлаб юборди. У ҳар кун 3-4 гектар ердаги маккажўхори ишловларига агротехника талаблари асосида ишлов берайири.

Бу йил гузарликлар минг гектардан ошмироқ майдонда маккажўхори етиштириладилар. Айни пайтда район ҳўжаликлари экинган майдонлардаги уруғни тўла ундириб олиш чораларини кўришляпти.

К. МУСАЕВ.

ЯНГИЛИК ШАРОФАТИ

● Бойсун районидида «Бойсун» совхозини чорвадорлари машур ҳисори қўйларни кўпайтириб, эл-порт дастурхонининг мазали гўшт билан тўқни бўлишига ҳаракат қилишляпти. Ҳўжаликда махсулотдорлигини оширишнинг бош омилни — ижара пуд-рлар кенг жорий этилган. Янги усулнинг афзалликларини тўла тўшуниб етган ижарачилар энди ҳар бир тийинини қатъий ҳисоб-китоб қилмайдиган, ортиқча ҳаракатга йўл қўймай ташеббўс кўрсатиб ишлайдиган бўлишди.

Ижара чўпонларга ҳам, ҳўжаликка ҳам катта фойда бермоқда. Бунин илгор чўпон Бўрон Гаффаров фаолияти яққол кўрсатиб турбиди. У биринчи кварталда 496 та қўйни асраш ва боқиш учун эвратилган маблагдан қариб ярминини тежиб қолди. 415 та совлиқнинг ҳар юзидан 92 тадан соғлом қўй олиб, бу борадаги планнинг ҳам ошириб адо этди. Моҳир чўпон маҳоратини нишга солиб, қўй-қўзларини намунали паравариллаётган тўфайли улар соғлом ўсиб, кунига эгига эт қўшилмоқда.

Р. КАРИМОВ.

ЧИГИТ УНИВ ЧИҚДИ

● Шўрчи районидидаги Киров номида колхозининг Қоравар даштларида деҳқончилик қилётган Т. Эшимов бошлиқ бригадаси далааларда чигит қийғос унинг чинди. Бригада коллективни бу йил 78 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан илгичка тоғали пахта етиштиришга аҳд қилган. Шунингдек, райондаги бошқа ҳўжаликларда ҳам чигит экиш кулай муқаддасларда ўтказилди. «Коммунизм», «Партия XIII съезди», Энгельс номида колхозларда муҳим тадбир 3-4 кунда тўғалланди. Район пахтакорлари эса чигит экишини олестда биринчи бўлиб низоҳисга етказдилар.

Н. ҲАЙИТҚУЛОВ.

ЮКСАК СУРЪАТ

«Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозини Тошкент районидидаги иқтисодий жиҳатдан бакуватта ҳўжаликлардан бири. Жорий йилда 15 минг тонна картошка ва сабзавот махсулотларини етиштиришни мўлжаллаган деҳқонлар айни пайтда экин-тиқини ишлариди юқори суръатини

А. МАННОПОВ.

таъминламоқдалар. 200 гектар майдонда картошка, 370 гектар ерга эса сабзавот махсулотларини экилди. Пиёз, қарам, бодиринг, сабзи, ош лаваки, саримсоқ, пиёз, редиска ва бошқа қўкатлар экиб қўйилди.

Озиқ-овқат: энг нозик, ўткир муаммо

ЭЪТИБОРТАЛАБ ТАРМОҚ

Бугунги кунда республикамиз аҳоли жон бошига гўшт истеъмолди бўйича мамлакатининг бошқа регионларидан ортида эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Жумладан, парранда махсулотларининг етишмаслиги ҳам Озиқ-овқат программасининг муваффақиятди ҳал этилишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ҳўш, айни вақтда Ўзбекистонда саноат паррандачилигининг аҳоли қандайд? Унинг ривожланиши учун тўққилиқ қилаётган муаммолар нималардан иборат?

Республика паррандачилик илмий-ишлаб чиқариш ветеринари лабораториясини директори ўринбосари Ж. АЗИ. МОВ муҳбиримиз М. Козиевга мазкур саволлар бўйича шундай жавоб қилди.

— Очғини, аҳолининг парранда махсулотлари билан таъминлаш қонинкарди эмас. Лекин мен бутун айбони фақат паррандачилик фабрикаларини зиммасига юкломлаш эмасман. Шундай ҳўжаликларимиз ҳам борки, улар бу борада муайян ўтуқларга эришмоқдалар. Орқоникиде районидида Илчи номида саноат паррандачилик бирлашмасини олинди: 1988 йилда ҳар бир товуқдан ўртача 245 донадан туҳум олинди. Тошкент шаҳри аҳолисини кунига ярим миллиондан ортиқ туҳум етказиб берилмоқда. Олинаётган ҳар минг туҳумнинг таннари 69 сўмга тушмоқда. Ҳўжаликда махсулот сифатида, жуғаларини асраш ва парвариллаш, товуқларнинг касалликка чалилинин олдини олишга катта аҳамият берилиши натижасида рентабеллик йилдан-йилга ошмоқда.

Аммо ҳамма ҳўжаликларда ҳам иш шу йўсунда ташкил этилган эмас. Шунинг учун ҳамки, республикамиз бўйрлар товуқларининг кундалик ўсини, жуғаларини сақлаб қолиш, туҳумларини очирини борасида Иттифоқда ўртача кўрсаткичдан анча ортида қолмоқда. Озуқа ва бошқа ресурслардан оқилона фойдаланмаслик оқибатида махсулот таннарихи ортиб кетайти.

Тўғри, республикамизда тармоқини интенсификан ривожлантириш программаси ишлаб чиқилган. Лекин олдимизда турган муаммоларни ҳал этиш биргина шу соҳа

В. И. Ленин асарлари литва тилида

Вильнюсдаги «Минтис» («Фикр») Литва ССР иашириети В. И. Лениннинг 55 жылдан иборат Тўла асарлар тўламининг 45-жылдини литва тилида нашр этди. Нашрин Литва Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институти амалга оширмоқда. (ТАСС).

СССР Олий Совети Президиуми аҳолига солиқ солиш тартибни ва миқдорини ўзгартириш тўғрисида СССР Қонуни лойиҳасини умумхалқ муҳокама-сини учун 16 апрелда эълон қилган эди.

Бугун СССР Министрлар Советининг мазкур масала юзасидан қарорлар лойиҳалари эълон қилинмоқда.

ЛОЙИҲА

СССР Министрлар Советининг қарори АҲОЛИДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚ ЮЗАСИДАН БЕРИЛГАН ИМТИЁЗЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Министрлар Совети қарор қилди:

1. Даромад солиғи юзасидан қуйидаги имтиёзлар 1990 йил 1 январдан бошлаб бекор қилинсин:

а) қишлоқ ҳўжалик ишларини бажариш учун колхозларга, совхозларга ва бошқа қишлоқ ҳўжалик корхоналарига юборилган ишчилар, хизматчилар, студентлар, ўқувчилар ва бошқа граждандлар ана шу ишларни бажарганлиги учун олган иш ҳақи ва бошқа тўловлардан;

б) колхозларда сайлаб қўйилган лавозимларини эгаллаб турган, асосий ишдан бўшатиб қўйилган партия, касабга союз ва комсомол ташкилотларини ходимларининг иш ҳақидан;

в) ҳўнарманд овчилар ўзлари штатида турган корхоналар ва ташкилотлардан олган иш ҳақи ва бошқа тўловлардан;

г) граждандларнинг кўрсичқон, юмронқош, огмаҳон ҳамда қишлоқ ҳўжалик экинлари зараркуналдалари ҳисобланган бошқа кемирувчи ҳайвонлар терисини топириришдан оладиган даромадларидан;

д) лотерея билетларини етказиб берганлик ва тарқатганлиги учун тўланадиган мукофотлардан;

е) Узоқ Шимолда ва ана шу районларга тенглаштирилган районларда доимий яшовчи граждандларнинг яқка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланишдан олган даромадларидан;

ж) олтин, платина, қалай, вольфрам, молибден ва кам учрайдиган нодир металллар конларини кашф қилганлиги учун тўланадиган мукофотлардан;

з) олтин иловчилар артефактлари эъзоларининг даромадларидан.

2. СССР ҳукумати қарорлари билан олдин белгилаб қўйилган аҳолидан даромад солиқлари ҳамда бўйдоқ, ёлғиз ва кам боғали граждандлардан солиқлар юзасидан бошқа имтиёзлар сақлаб қолинсин.

3. СССР Министрлар Советининг «Граждандларнинг аҳолидан даромад солиғи ундирилмайдиган даромадлари тўғрисида» 1983 йил 29 сентябрда чиқарган 954-сонли қарорининг (СССР қарорлар тўламини, 1983 йил, № 29, 165-модда) биринчи банди 3, 4, 6, 9 — 13-абзацларини;

СССР Министрлар Советининг 1985 йил 22 августдаги 1804-сонли фармойишини;

СССР Министрлар Советининг «Яқка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи кишилардан давлат поштинларини ва солиқ ундириш билан боғлиқ масалалар тўғрисида» 1987 йил 17 апрелда қабул қилган 466-сонли қарори (СССР қарорлар тўламини, 1987 йил, № 28, 100-модда) иккинчи банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

ЛОЙИҲА

СССР Министрлар Советининг қарори

Ойига 81 сўмдан 100 сўмга қадар иш ҳақи оладиган ишчилар, хизматчилар ҳамда солиқ солиш жиҳатидан уларга тенглаштирилган граждандлар учун даромад солиғи ҳамда СССРнинг бўйдоқ, ёлғиз ва кам боғали граждандлардан олинадиган солиқларнинг камайтирилган ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида

«Аҳолига солиқ солиш тартибни ва миқдорини ўзгартириш тўғрисида» СССР Қонунига мувофиқ СССР Министрлар Совети қарор қилди:

Асосий иш жойидан ойига 81 сўмдан 100 сўмга иш ҳақи оладиган ишчилар, хизматчилар, хизматчиларнинг

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИГА ИЛОВА

Асосий иш жойидан ойига 81 сўмдан 100 сўмга иш ҳақи оладиган ишчилар, хизматчилар ва солиқ солиш жиҳатидан уларга тенглаштирилган граждандлар учун даромад солиғи ҳамда СССРнинг бўйдоқ, ёлғиз ва кам боғали граждандлардан олинадиган солиқларнинг камайтирилган ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида

СТАВКАЛАРИ

Ойлик миқдори				Ойлик миқдори			
ойлик иш ҳақи (сўм)	хисса-ча	хисса-ча	мад солиғи (сўм, тийин)	ойлик иш ҳақи (сўм)	хисса-ча	хисса-ча	мад солиғи (сўм, тийин)
81	0-41	0-11		91	4-51	3-21	
82	0-82	0-42		92	4-92	3-52	
83	1-23	0-73		93	5-33	3-83	
84	1-64	1-04		94	5-74	4-14	
85	2-05	1-35		95	6-15	4-45	
86	2-46	1-66		96	6-56	4-76	
87	2-87	1-97		97	6-97	5-07	
88	3-28	2-28		98	7-38	5-38	
89	3-69	2-59		99	7-79	5-69	
90	4-10	2-89		100	8-20	6-00	

Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 17 апрель куни бўлиб ўтган мажлисида республикамиз социал-иқтисодий ривожлантиришнинг 1989 йил биринчи квартал якуналари кўриб чинилди. Ўзбекистон ССР Госплани раиси А. Р. Отажонов ва Ўзбекистон ССР Молия министри П. И. Маматисаевнинг мазкур масала юзасидан докладларида, шунингдек, Президиум бошқа эъзоларининг нутқларида ҳисобот даврида республика халқ ҳўжалигида кўзга ташланган айрим иқтисодий тенденцияларнинг янада мустаҳкамланганлиги кўрсатиб ўтилди. Саноат ишлаб чиқариши ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 7,2 процент ортиди.

шартномавий интизом анча яқшиланди, меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига барча саноат комплексларида махсулот ишлаб чиқариш кўпайди. Умуман республикада ҳосил қилинган миллий даромад 5,4 процент кўпайди. Мол ва парранда, сўт ва туҳум давлат хараиди квартал планларини бажаришда, товар обороти ва пулли хизматлар бўйича топирирлар ҳам ошириб бажаришда, бюджет даромадларида планда ташқари 45,9 миллион сўм пул тушди. Территория бўйича январь-февраль ойи учун фойда плани 102,9 процент бажаришди.

Шу билан бирга Президиум эъзолари В. И. Огарок, И. Ҳ. Ибраҳимов, В. В. Су-

даренов, П. М. Абдурахмонов ва бошқаларнинг нутқларида экономикага раҳбарлик қилишда тўла ва изчил туб қайта қуриш амалга оширилмаганлиги халқ ҳам махсулот рақамларини, давлат буюртмалари ва шартномавий мажбуриятларини бажаришга салбий таъсир қиланганлиги таъкидланди. Саноатда химия-ўрмон комплекси корхоналари етказиб бермаётган махсулотлар ҳамки икки баравардан зиёд ортиди. Машинасозлик заводлари бир метрда ишламаяпти. Чирчиқ «Электротехпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси (А. Г. Голубов) ва Янги Қўқон химия заводи (Е. А. Буслаев) фаолияти қаттиқ танқид қилинди. Бу

корхоналарда квартал якуналарига кўра, биронта ҳам техника-иқтисодий кўрсаткич бажарилмади. Ўзбекистон ССР Давлат агроасаноат комитети, Ўзбекистон ССР Давлат қурилиш комитети, Ўзбекистон ССР Монетга махсул қурилиш ишлари министрилиги ва бошқа бир қатор министрликлар ва идораларнинг айрим бирлашмалари ҳамда қўқон махсулот етказиб бериш юзасидан шартномалар тузмаганликлари кўрсатиб ўтилди. Сурхондарё область иқтисодий комитети раиси Х. Э. Бердиевнинг область ўтган кварталда иқтисодий ва социал ривожланишининг бир қанча кўрсаткичларини бажарма-

ганлиги сабаблари ҳақидаги тушунтиришни асосиз деб топилди.

Мажлисида қишлоқ ҳўжаллигида баҳорги экинлар, картошка, турли сабзавот экинлари, бир йиллик ва кўп йиллик ўтлар, озуқа-илдиз мевадари ва полиз экинлари экин паст суръатда бораётганлиги, эртки сабзавотларини тайёрлаш ҳамки камайганлиги қайд этилди. Пиринк қорамоллар сони камайиш давом этмоқда. Андижон, Бухоро, Сурхондарё, Тошкент ва Фарғона областлари ҳўжаликлари мол ва парранда хари қилиш суръатларини 1988 йилнинг биринчи кварталига нисбатан пасайтириб юбордилар. Муноҳама чоғида Ўзбекистон ССР Давлат агроасаноат комитети (Р. А. Гиниятуллин, А. Ҳ. Тоқиев)нинг ўлтибон бу ва бошқа камчиларларини бартараф этиш юзасидан аниқ бир мақсадга йў-

налтирилган конкрет тадбирлар қўриш, бунда пахта ва бошқа қишлоқ ҳўжалик экинларини экин планларини қатъий бажариш, махсулот етказиб бериш интизомига сўзсиз риоя этиш масалаларига алоҳида эътибор бериш зарурлиги қаратилди.

Калинт қурилишда яқинли сари туб ўзгартирилган бўлмади (Е. С. Темкин, А. Г. Мананников, Б. С. Ҳамидов). Бу соҳада квартал план кўрсаткичлари даражаси пастлиги қарамал, капитал маблағлар лимитларини ўзлаштириш, қурилиш-монтаж ишлари ҳажмлари, асосий фондларини ишга тушириш планларини бажаришда. Бунинг натижасида аҳоли учун товар ишлаб чиқариш топириларини бажариш барбод қилинмоқда. Маҳаллий Советлар иқтисодий комитетларининг социал-маданий соҳа моддий-техника базасини ривожлантиришга эъти-

борини сусайтириб юборганликлари натижасида Бухоро, Хоразм, Сурхондарё ва Тошкент областларида умумий таълим мактаблари ва ҳўнар-техника билим юртларини фойдаланишга топириш камайиб кетди.

Истеъмол бозорига ҳам иқтисодий силжилар йўқ. Йил бошидан бери халқ истеъмолди товарлари ишлаб чиқариш халқ ҳўжалик плани фақат 98,9 процент қилиб бажаришди, 29 миллион сўмлик махсулот кам берилди. Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрилиги (Э. А. Таймазов), Ўзбекистон ССР Алоқа министрилиги (К. Раҳимов), шунингдек, Андижон областининг корхоналари ва ташкилотлари қўқонликка йўл қўйилди. Антоном республика ва Қашқадарё области ташкилотлари пулли хизматлар юзасидан белгиланган топириларини бажармадилар. Фарғона ва

Сирдарё областлари эса планга нисбатан савдодан тушадиган пулдан салкам 7 миллион сўм кам пул топиридилар.

Натижада ўтган давр ичинда пул маблағларини асосий равишда яна муомалага чиқаришга йўл қўйилди. Бу эса пул муомаласи аҳолининг оғирлаштириди. Қўқонликлар Тошкент, Хоразм, Бухоро, Андижон ва Сурхондарё областлари пулнинг жуда кўп маблағ муомалага чиқаришга йўл қўйилди.

Пулнинг қадриятини нафариаларини бартараф этишда республика банклари ҳам етарли даражада ташаббускорлик ва омиликорлик кўрсатмашляптилар. Шу муносабат билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ўзбекистон ССР Молия министрлигига (Давомий учинчи бетда).

(Faint handwritten notes at the bottom of the page)

(TACC)

ҚАРДОШ РЕСПУБЛИКАЛАР АДИБЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ

Қозғоғистон эмигида этти кун давомида Ўзбекистон ёзувчиларининг асарлари янгради. Чимкент областида ўзбек адабиёти ҳафталиги бўлиб ўтди. 17 апрель кунини қардош республика чегарасида Ўзбекистон ёзувчилар делегациясининг Қозғоғистон адiblари билан тантанали учрашуви бўлди.

Ўзбекистон ёзувчилар союзи раёисининг биринчи секретари О. Ёқубов бошчилигидаги делегация составида нолрилар ва шоирлар Тоҳир Малик, Туроб Тўла, Ш. Усмонов, Мурод Мухаммад Дўст, С. Анорбоев, С. Сиев, Тимур Пулатов, А. Сунон, А. Тўшматов ва бошқалар бор. Мехмонларни Қозғоғистон ёзувчилар союзи раёисининг секретари С. Муродбеков бошчилигидаги қардош республика ёзувчиларининг катта гуруҳи кутиб олди.

Одлик Ёқубов ўз нутқида қардош адабий жараёнини қайта кўриш билан ўзаро алоқаси ҳақида гапирди. Учрашуда ўзбек шоирларининг шеърлари янгради. Адiblар китобхоналарнинг кўп қаватли кўчаларида жавоб беришди. Саълабдир республикалар иқтисодий ва маданий ривожланишининг, миллийлараро муносабатларнинг баъзи жиҳатларини, замонавий тил ва адабиётнинг ривожланиш масалаларини тилга олган эди.

Ўзбек ёзувчилари кейинги кунларда меҳнат коллективлари, соҳаозлар ва колхозларнинг меҳнатчиларини, ўқувчи ёшлар билан учрашадилар.

[Э.ТАГ.]



БҮРЧГА САДОҚАТ

НАМАНГАН ОБЛАСТИ. Ботиржон ва Зокиржон Сотиболдиевлар Тўрақўрғон шаҳрида истиқомат қилишди. Ана-укаларнинг иккаласи ҳам дўст Афғонистонда ўз интернационал бурчларини шараф билан ўтаб қайтишган азаматлар. Ботиржон 1979—1981 йилларда Савр Инқилобининг ҳимоя этишида иштирок этган бўлса, Зокиржон 1986—1988 йилларда Афғонистонда ўз йигитлик бурчини шараф билан адо этиб қайтди. Икки ақа-ука чинакам садоқат билан хизмат қилишди, катта жанговар йўлни босиб ўттиди. Унинг эвазига қатор жанговар медаллар билан таъдирланди. Шу кунларда тинч меҳнат қўйида эл-юртга хизмат қилиш билан машғурдилар.

Суратда: Наманган области ҳарбий комиссариати бошлиғи, полковник Ш. Қамбаров соҳиб интернационалчи жангчилар Ботиржон ва Зокиржон Сотиболдиевлар билан суҳбатлашмоқда.

Т. ҲАМРОҚҮЛОВ фотоси.

ГАЗЕТХОН ХАБАР ҚИЛАДИ

ИНФОРМАТИКАДАН ОЛИМПИАДА

Самарқанд шаҳрида республика ёш программаторларининг иккинчи олимпиадаси низожида бўлди. Унда барча областларнинг вакиллари иштирок этишди. Назарий ва амалий синовлардан ўтди. 82 ўқувчи имтиҳондан ўтди. Беш кун давом этган мусобақаларда Тошкент шаҳри ўқувчилари биринчи, Самарқанд ва Тошкент области командалари кейинги ўринларни эгаллашди. Шахсий биринчиликлари К. Тўшматов (Тошкент), Ю. Чуман (Тошкент области), А. Тўшматов (Андижон области) ва М. Ўралиев (Хоразм области) қўлига қўйди.

Биринчи сирдар, Қашқадарь, Сурхондарь областлари ва Қорақалпоғистон АССРдан келган ўқувчилар жуда пас-натия қўрғашди. Бу замкур замонавий предметга етарлиқ эътибор берилмаётганини оқибати. Кези келганда шуни таъкидлаш керакки, олимпиада учун республика Халқ таълими министриги томонидан тайёрланган топириқлар чуқур ўйлаб тузилаётган, мактаб программаси билан узвий боғлиқ эмас. Топириқлардан бири ҳатто дарсликда ҳам борлиги жори аъзоларини ҳайрон қолдириди.

Команда раҳбарлари олимпиада масалаларини ечишга ва ўқувчиларни бундай мусобақаларга тайёрлашга оид методик тавсиялар ҳақида муносабатларини лекция, семинарларини ташкил этиш истагини билдиришди. Айниқса олимпиаданинг жори раёиси, профессор М. Зиеҳу-жаевнинг иштироки ўқувчилар учун ёғи ўқув лагери ташкил этиш, регионал олимпиадалар ўтказиш ва унга ўқувчилар компьютер марказлари ҳақида клублар ёрдамида ўз-ўзидан тайёрлаш ҳақидаги фикрлари жиддий ўйлаб кўришни, пайсалга солмасдан ҳал этишни талаб қилганган мулоҳазалариди.

Т. АЗЛАРОВ,
республика олимпиадасининг жори аъзоси.

• Хотира

СОЛДАТ БЕВАЛАРИ

ер қаттиқ замоналар. Даладаги барча ишлар мушкилроқ қолган чоллар, уруш эрта улайган бовлар ва биз аёллар эсимизга қолди. Қора хат деган қора қўзғундан безиллаб қолдик. Қўшлоннинг ҳали у четидан, ҳали бу четидан йиги овози чиқарди. Аёллар ер муштлаб Гитлерни қарғайди, етим қолган гўдаклар қирқиллайди.

Батъан ўйлаб қоламани. Тавабу бу тўзимини, бу сабр-бардони қайдан олдик экан? Ойнинг ёруғида беда, бугудой ўрама, кундузи пахта чопи қиламиз. Ҳа, деган тунга мадад.

Лекин... орадан икки йил ўтар-ўтмас турмуш ўртоғим Мухаммад, Тўғчи армияга кетди. Орадан икки йил ўтар-ўтмас, номинг ўттириш бўлиди. Турмуш ўртоғим Хайрулла Курбонов қачирув қорози келди. Эшмада Пирбегим 37 кунлик чақалоқ эди. Қўшга келган тўй. Ўша кунлари Қозон қишлоғидан қўлаб йигитлар урушга отланди. Мен ҳам чақалоқни йўғаллаб қузатиш учун йўлга чиқдим.

...У кетди... Олсаларга, мен билмаган жойларга, ёвуз душмани қон қақша-тишга кетди. Осмон йирок.

гача одамлар қуриб берган уйга кириб олдим. Мана, шунга ҳам 44 йил бўлибди. Ўз йигитининг нақирон умрини ўзимнинг эса кўнглимда бир иланик — у тирик, дейман. 44 баҳордан бундан йўл қарайман. 40 дан ошган бола-чақали ўғлим эса ҳамоно «Эна отам қандай одам эди, сўзлаб беринг» дейишини қўйлайди.

— Отанг ахши одам эди. Пирбегим! Яхшиси бутун қолхоз марказида қад ростлаган «Номзатум солдат» пойига оппоқ ҳарир гуллар соч, отанг ва отандек шаҳид кетганлар, қайтган ва қайтмаганлар ҳақи ҳайкал пойида тиэ қўниб, бош оғ, дейман.

Матмурра Имомова. У ҳам пирбегим. У ҳам Жомбой районида. Мирзахўжа Ўринхўжаев қўшадан ашайди.

— Ўша машум уруш йилларини умримнинг энг сўғити дақиқасигача унутмасам керак, — дея ҳикоясини бошлади ая, — Ингирма ёшимда бошимга шум айрилиқнинг доғи тушди. Турмуш ўртоғим Шокир Имомов урушга кетганида ўғлим Мурод эндигина атак-чекан қилиб юриб қолган бола, кичик ўғлим Анвар ҳали туғилмаган эди. Бир неча

вақт ўтган, у кишиндан уч-бурчак хат келди. Хатда онасининг, ўғилларининг, ўғлининг ва ўзининг аҳолимини сурабди. Смоленскда отлик аскарлар дивизиясида хизмат қилаётганини айтиб, агар мабодо янги фарзанд туғилса, албатта, хабар беришимни ўтнинг сурабди. Орадан икки ой ўтган, ўғлим Анваржон туғилди. Дарҳол фронтга сунончи хат йўллади. Бирок юборган хатимиз етар-етмас, 1942-йилнинг саратонда аяни қоқ тушда почталар қиз «Отлик аскар Шокир Имомов Смоленск оstonларидан бўлган жангларда бедаран йўқолди» деган мазмундаги қора хатини ташлаб кетди. Иккинчи порасида гўдак билан қолавердим...

Умримнинг 30 йили далада ишлаб ўтказган бўлсам, қирқ беш йилдан бундан у келар йўллариға қўзғилиш ашайман. Ўғилларим эл қаторига қўшилди. Катта ўғлим Мурод ҳарбий соҳани танлади, кичини — ишчи. Келимин Сора ўрнатиш. Бир-биридан ширин неварларим бор. Батъан ўғилларим оталари ҳақида сўзлаб беришимни сурабди. Гарчи атиги икки йилгина рўзгор қилиб бирга яшаган бўлсам ҳам бир умр ёди билан яшайётганим азиз инсон ҳақида туғил-тошиб сўзлай-вераман, сўзлай-вераман...

Бахтимизга дунё тинч бўлсин!

О. АСАДОВА.

Муҳаррир

У. УСМОНОВ.

• Реклама ва эълонлар • Реклама ва эълонлар •

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ МИНИСТРЛИГИНИНГ

Тошкент политехника институти

кафедралар бўйича

ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР СОСТАВИДАГИ ЛАВОЗИМЛАРГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Мудирлар: совет ҳуқуқи асослари, 1-рус тили, 3-рус тили, металл кесадиган станоклар ва асбоблар, гидроэнергетик қурилмалар ва гидравлик машиналар, қурилиш ташкил этиш ва унинг технологияси (фан докторлари, профессорлар, фан кандидатлари, доцентлар); профессорлар: 2-жисмоний тарбия, тўқима материалларнинг химиявий технологияси, ёғлар технологияси;

доцентлар: 1-КПСС тарихи, 1-фалсафа, 1-илмий коммунизм (2), этика, эстетика ва дизайн, 2-олий математика, назарий механика, материаллар қаршилиги, амалий механика, фойдали қазилма конларини ер остида ишлашни комплекс механизациялаш ва унинг технологияси, кон ва геология-қидирув ишларини ташкил этиш ва унинг экономикаси, машина ва механизмлар назарий, материалшунослик (2), машина ва қурув ишлаб чиқариш технологияси, атраф-муҳитни муҳофаза қилиш, нефть ва газ конларини ишлаб чиқиш ва уларни эксплуатация қилиш, асосий органик ва нефть-химия синтези технологияси (2), умумий ва назарий теплотехника, гидроэнергетик ускуналар ва гидравлик машиналар (2), назарий ва умумий электротехника (2), саноат ва граждн биологн архитектура (2), гидротехник иншоотлар, тупроқлар, асослар ва пойдеворлар механикаси, қурилиш конструкциялари, қурилиш механикаси ва эзилмага бардошлик асослари, иссиқлик-газ таъминоти ва вентилизация, қурилиш материаллари, жамоат биологн ва интерьерларни архитектуралық лойиҳалаш, расм, тасвирий санъат ва ҳайкалтарошлик, автоматика ва телемеханика, радиоэлектроника асослари (2), физик электроника ва микроэлектрон приборлар (2), радиоэлектрон апаратларни конструкциялаш ва ишлаб чиқариш, илмий приборозилик, самолётлар ишлаб чиқариш технологияси (3), 3-олий математика (2), бошқарилнинг автоматлаштирилган системалари, техник кибернетика, ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш, металл кесадиган станоклар ва асбоблар, электротехниканинг назарий асослари (2);

катта ўқитувчилар: 1-фалсафа, 1-жисмоний тарбия (4), 2-жисмоний тарбия, инглиз тили, 1-олий математика (2), 2-олий математика (2), физика, чизма геометрия (5), материаллар қаршилиги, саноатни бошқариш, қурилишни бошқариш, фойдали қазилма конларини разведка қилишнинг геофизик усуллари, машинасозлик технологияси, металл кесадиган станоклар ва асбоблар, металллар технологияси, структуралар ва кон геофизикаси (2), электр тармоқлари ва системалари, саноат ва граждн қурилиш архитектура, қурилиш конструкциялари, гидравлика, сув таъминоти ва каналзация, архитектура назарий ва тарихи, автоматика ва телемеханика, физик электроника ва микроэлектрон приборлар, саноат электроникаси, электротехниканинг назарий асослари (2), ушн апаратлар ишлаб чиқаришни бошқариш ва уни ташкил этиш, электр-қўшбас машиналари, робототехника ва ахборот системалари, ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш;

ассистентлар: 1-КПСС тарихи (4), 2-КПСС тарихи (2), 1-фалсафа (2, биттаси ярим ставка), 2-фалсафа, 1-сиёсий иқтисод, 2-сиёсий иқтисод (4), 2-илмий коммунизм, иккинчи олий фанлар (2), 1-олий математика, чизма геометрия (4), назарий механика (3), амалий механика, умумий таълим фанлари (чет эллик гражднлар учун тайёрлов факультети), фойдали қазилма конларини ер остида ишлашни комплекс механизациялаш ва унинг технологияси, геология-қидирув ишларини ташкил этиш ҳамда экономикаси, разведка техникаси, минералогия ва кристаллография, қишлоқ ҳўжалик машинасозлиги, машинасозлик саноатини ташкил этиш ва унинг экономикаси (2), машина деталлари, химия саноатини ташкил этиш ва унинг экономикаси (2); атраф-муҳитни муҳофаза қилиш ва сувларни тозалаш, гидроэлектрон технологияси, асосий органик ва нефть-химия синтези технологияси, электр тармоқлари ва системалари, электр машиналари, шаҳарлар ва саноат корхоналарини электр билан таъминлаш, саноат қурилмаларини автоматлаштириш ва электрлаштириш, электр изоляция ва кабель техникаси (2), саноат иссиқлик энергетикаси, саноат ва граждн биологнларнинг архитектура, қурилиш бошқариш ва унинг экономикаси, гидравлика, амалий геодезия (3), қурилиш материаллари, расм, тасвирий санъат ва ҳайкалтарошлик, автоматика

Ўзбекистон ССР Маданият министригининг

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ

1989—1990 ўқув йили учун

ҚУИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА
СИРТҚИ БЎЛИМГА

СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

КУТУБХОНА ФАКУЛЬТЕТИГА: кутубхонашунослик ва библиография.

МАДАНИЙ-ОҚИТУВ ИШЛАРИ ФАКУЛЬТЕТИГА: маданий-оқитув ишлари, ҳаваскорлик инжодкорлигини ташкил этиш, қуйидаги ихтисослашувлар билан: халқ чолгу асбоблари оркестри раҳбари, пуфлаб қалинадаган асбоблар оркестри раҳбари (рус группаси), театр коллектив раҳбари, маданий-оқитув ишларининг методист-ташқиловчиси, оммавий байрамларнинг режиссёр ташқиловчиси, хор коллектив раҳбари (рус группаси), халқ чолгу асбоблари ансамбли раҳбари (Ўзбек группаси).

СИРТҚИ БЎЛИМГА ўқиб мўддат 5 йил.

КИРУВЧИЛАР ҚУИДАГИ ФАНЛАРДАН ИМТИ-ХОН ТЎПИРАЙЛАДИ: кутубхона факультети — она тили ва адабиёт (иншо), СССР тарихи (оғзани), она тили ва адабиёт (оғзани).

Маданий-оқитув ишлари факультети — танлаган ихтисос бўйича, она тили ва адабиёт (иншо), СССР тарихи (оғзани).

Маданий-оқитув ишлари факультети учун имтиҳонда қўйилган талаблар: маданий-оқитув ишларининг методист-ташқиловчиси бўлишга кирувчи абитуриентлар қабул комиссиясига клуб тадбирига ёзма рецензия ёки оммавий байрам сценарийини тақдим этишлари, имтиҳонда қўшн ижро этиш, ёки рақсга тушиб қўйилганга эга аналитикларини қўрсатишлари, чолгу асбобларидан бирини қилиб беришлари, ўйин ташкил этишлари, суҳбат ўтказишлари, тақлиф билети ёки афиша эскизларини тай-

ва телемеханика, радиоэлектроника асослари, физик электроника ва микроэлектрон приборлар, радиоэлектрон апаратларни ишлаб чиқариш ва конструкциялаш, 3-олий математика (3), амалий математика, техник кибернетика (2);

ўқитувчилар: 1-жисмоний тарбия (2), 2-жисмоний тарбия (3), 1-рус тили (2), 3-рус тили, граждн мудофаси, рус тили (чет эллик гражднлар учун тайёрлов факультети).

КЕЧКИ-СИРТҚИ БЎЛИМ БЎЙИЧА

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА

доцентлар: химия, қурилиш ишлаб чиқариш; катта ўқитувчилар: физика, олий математика, чизма геометрия;

ассистентлар: биологнлар конструкциялаш, олий математика (2), чизма геометрия (2), химия, қурилиш ишлаб чиқариш;

ўқитувчилар: рус тили (3).

ЧИРЧИҚ ШАҲРИДА

мудирлар: умуминженерлик фанлари, қуқули материалларнинг пластик деформацияси; катта ўқитувчилар: рус ва чет тиллари (тайёрлов бўлимида ишлаш учун), электр машиналари;

ассистентлар: марксизм-ленинизм, химия ва химиявий технология, физика, саноат қурилмаларини автоматлаштириш ва электрлаштириш.

ОЛМАЛИҚ ШАҲРИДА

доцент: олий математика ва физика; катта ўқитувчилар: олий математика ва физика умуминженерлик фанлари.

АНГРЕН ШАҲРИДА

катта ўқитувчилар: умуминженерлик фанлари (2, биттаси ярим ставка); ассистентлар: марксизм-ленинизм, умуминженерлик фанлари.

НАВОИЯ ШАҲРИДА

мудирлар: умумий ва ноорганик химия, чизма геометрия ва чизмачилик, энергетика фанлари.

доцентлар: умумий физика, техник механика, энергетика фанлари;

катта ўқитувчилар: умумий ва ноорганик химия, умум-техника фанлари, машинасозлик технологияси, қурилиш ишлаб чиқаришнинг ташкил этиш ва унинг технологияси, энергетика фанлари, техник механика;

ассистентлар: умумий физика, умумий ва ноорганик химия, қурилиш ишлаб чиқаришнинг ташкил этиш ва технология (3), чизма геометрия ва чизмачилик, машинасозлик технологияси.

ЖИЗЗАХ ШАҲРИДА

мудирлар: умумий таълим фанлари, саноат ва граждн биологн архитектура;

доцент: қурилиш конструкциялари; катта ўқитувчилар: умумтаълим фанлари, техник механика, математика, қурилиш экономикаси ва уни ташкил этиш ҳамда технологияси (2);

ассистентлар: марксизм-ленинизм (3), техник механика (2), қурилиш материаллари, қурилиш конструкциялари, қурилиш экономикаси ва уни ташкил этиш ҳамда технологияси (3);

ўқитувчи: умумтаълим фанлари.

НАМАНГАН ШАҲРИДА

мудир: умумий химия; доцент: техника фанлари; катта ўқитувчилар: ишлаб чиқаришнинг ташкил этиш ва унинг экономикаси, мелiorация ва қурилиш машиналари; ассистентлар: чизма геометрия ва чизмачилик, ишлаб чиқаришнинг ташкил этиш ва унинг экономикаси, саноат ва граждн қурилиш, умуминженерлик фанлари, техника фанлари, КПСС тарихи ва фалсафа, умумий физика (2, биттаси тайёрлов бўлимида ишлаш учун); олий математика (тайёрлов бўлимида ишлаш учун);

ўқитувчилар: жисмоний тарбия (2), рус ва чет тиллари.

Конкурс мўддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой. Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 13-уй, 49-хона.

ёрлашлари, байрам концерти программасини тузишлари лозим. Театр коллектив раҳбари бўлишга кирувчилар бадий ҳаваскорлик театрларида иштирок этган бўлишлари, драматургия, театр, тасвирий санъат ва музика соҳасида билимларга ва зарур бўлган қўйилганга эга бўлишлари лозим. Қабул комиссиясига драма асарининг режиссёрлик таҳлили ёзма равишда тақдим этишлари, имтиҳонда шеър, бадий асардан лаҳза, масал ўқиб беришлари, ҳамда этиод ижро этишлари шарт.

Хор коллектив раҳбари зарур бўлган тегишли музика тегишли тайёрларига эга бўлишлари лозим. Ўлар учун имтиҳон: программани ижро этиш (дирижёрлик ва ашуа айтиш), сольфеджио (оғзани), фортепиано (икки-уч асарни ижро этиш). Халқ чолгу асбоблари оркестри раҳбари, пуфлаб қалинадаган асбоблар оркестри раҳбари, халқ чолгу асбоблари ансамбли раҳбари ихтисослиги бўйича кирувчилар тегишли музика тайёрларига эга бўлишлари лозим. Ўлар учун имтиҳонлар: программа ижро этиш (дирижёрлик ва чолгу асбобини қилиш), сольфеджио (оғзани), фортепиано.

Институтга кирувчилардан арзаялар 1 июнча қабул қилинади.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ 1—15 ИЮНЬ КУНЛАРИ ўтказилади.

Ҳужжатлар фақат танлаган ихтисос бўйича ишлаб-танлаганлардан қабул қилинади. Олий ўқув юртига қабул қилишда намида 2 йиллик иш таърибасига эга бўлганлар (меҳнат дафтарчасидаги ёзу билан тасдиқланган) имтиҳондан фойдаланадилар.

Ректор номига ёзилган арзизага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли), олий ўқув юртига кириш учун иш жойидан берилган характеристика-йўллама, 086У форматида медицина справкаси, 6 донга фотосурат (3х4 см. катталиклда), меҳнат ёки қоллоқчи дафтарчасидан нусха.

Институтга келганда паспорт, ҳарбий билет ёки ҳарбий бўйхатдан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳнома шахсан қўрсатилади.

Мурожаат учун адрес: 700164, Тошкент шаҳри, Високонный массиви, 3-сектор, 127-аа-уй. Телефонлар: 62-03-23, 62-03-24, 62-38-33.

Театр

НАВОИЯ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ҚАТТА ТЕАТРИДА — 19/IV да Чилло-лино (премьера), 20/IV да Фауст.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 19/IV да Кутлуг ион (19.30), 20/IV да Нелилар кузгосони (19.30).

МУҚИМНИ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИК ТЕАТРИДА — 19/IV да Рома, 20/IV да Концерт.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ишлар мудирлиги аппарати коллектив масъула ходим А. У. Ҳасанова аяси

Махкамашариф Умарович ҲАСАНОВНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия нахор қилади.

Ўзбекистон ССР Алоқа министригининг Тошкент радио-телевизионе узатиш маркази коллектив корхона бошлиғи У. А. Қодирова онаси

Мавлуда ЗОХИДОВНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия нахор қилади.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС:

700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-53-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ ҳўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-86, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 32-30-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳайат — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фелетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашрийтининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан бошқонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32. Газета офсет усулида, А-2 форматда босилади.